



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI BOSHQARISH AGENTLIGINING MUASSIS (TA'SISCHI) QARORI

20 21 yil “29” апрель

№ 15/07-кр

Toshkent sh.

“Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасасини ташкил этиш түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартағи “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари түғрисида”ги ПҚ-4629-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартағи “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш түғрисида”ги 170-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Низомиддинов раҳбарлигига “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасида 2021 йил 10 апрелда ўтказилган йиғилишнинг 10-сон баёнига асосан қарор қилинди:

1. “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин.
2. Жамғарманинг Устави 1-иловага ва ижро аппарати ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Жамғарманинг Бош директори этиб Рахманов Назирбек Истроилович тайинлансин.
4. Жамғарма Бош директори Н.Рахмановга:

уч кун муддатда Жамғармани ташкил этиш билан боғлиқ барча ишларни амалга ошириш, шу жумладан Жамғарманинг Уставини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш;

бир ҳафта муддатда Жамғарманинг ташкилий тузилмасидан келиб чиқкан ҳолда Жамғарманинг штатлар жадвалини ишлаб чиқиб, келишиш учун Жамғарманинг Васийлик кенгашига ва Давлат активларини бошқариш агентлигига киритиш;

Икки хафта муддатда Жамғарманинг таркибий бўлимларини билим ва амалий кўникмаларга ҳамда вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган малакали кадрлар билан тўлдириш, ҳар бир бўлинманинг янгиланган низоми ва ходимларнинг лавозим йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;


15 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартағи 170-сон қарори 2-иловасига асосан “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасидан Жамғармага ўтказиладиган 166 та номдаги активларни белгиланган тартибда хатловдан ўтказган ҳолда қабул қилиб олиш вазифалари юклатилсин.

5. Жамғармага ўтказилаётган мулк ва мулкий ҳуқуқлар Жамғармага оператив бошқариш ҳуқуқи билан ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

6. Ташкилий назорат бошқармаси (Ражабов) ушбу қарорнинг нусхаларини Агентлик марказий аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари, унинг худудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари ҳамда “Навоий КМК” ДКга етказилишини таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш директор ўринбосари в.б. Т. Набиев зиммасига юклансин.

Директор


А. Ортиков

Давлат активларини бошқариш
агентлигининг 2021 йил 29 - апрел даги
15/07-кп-сон буйруғига
1-илова

**“Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси”
давлат муассасаси
УСТАВИ**

Навоий шаҳри - 2021 йил

1-боб. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Устав “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасасининг (кейинги ўринларда “НКМК жамғармаси” ДМ) асосий мақсадлари, вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1.2. “НКМК жамғармаси” ДМ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4629-сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги “Навоийуран” давлат корхонаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ва “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 170-сон қарорлари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 29 апрел даги 15/07-КР-сон буйруғи билан ташкил этилган.

1.3. “НКМК жамғармаси” ДМ оператив бошқариш учун унга берилган давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган давлат муассасаси шаклидаги нотижорат ташкилот бўлиб, унга берилган мол-мулкка нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибда эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш хуқуқларини ўз фаолиятининг мақсадларига мувофиқ равишда амалга оширади.

1.4. “НКМК жамғармаси” ДМ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Таъсисчининг буйруқлари, қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қиласди.

1.5. “НКМК жамғармаси” ДМ Таъсисчиси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда “Таъсисчи” деб юритилади) ҳисобланади. “НКМК жамғармаси” ДМ Таъсисчига ҳисобот беради.

1.6. “НКМК жамғармаси” ДМ юридик шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва ўз номи давлат тилида лотин алифбосида туширилган муҳр ва бланкларга, мустақил балансга, банк муассасаларида миллий ва хорижий валютадаги Ўзбекистон Республикаси ва Таъсисчи билан келишилган ҳолда чет давлат банк муассасаларида ҳисоб рақамларига ҳамда эмблемага, штампларга, товар белгиларига ва бошқа реквизитларга эга.

1.7. Муассасанинг расмий номи:

а) ўзбек тилида:

кирилл алифбосида

тўлиқ – “Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси;

қисқартирилган – “НКМК жамғармаси” ДМ;

лотин алифбосида

тўлиқ – “Navoiy kon-metallurgiya kombinati jamg‘armasi” davlat muassasasi;

қисқартирилган – “NKMK jamg‘armasi” DM;

б) рус тилида:

тўлиқ – Государственное учреждение «Фонд Навоийского горно-металлургического комбината»;

қисқартирилган – ГУ «Фонд НГМК»;

в) инглиз тилида:

түлік – «**Navoi Mining and Metallurgical Company Fund**» State Organisation;

қисқартирилган – NMMC Fund SO.

1.8. “НКМК жамғармаси” ДМ (почта манзили) манзили: Ўзбекистон Республикаси, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 21, почта индекси: 210100.

1.9. “НКМК жамғармаси” ДМ электрон почта манзили: info@fondngmk.uz, info@fondnkmk.uz.

1.10. “НКМК жамғармаси” ДМ расмий веб-сайти: www.fondngmk.uz, www.fondnkmk.uz,

2-боб. Фаолиятининг мақсади ва асосий йўналишлари

2.1. “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – “НКМК” АЖ деб юритилади), “Навоийуран” давлат корхонаси (кейинга ўринларда – “Навоийуран” ДК деб юритилади), “НКМК жамғармаси” ДМ меҳнат жамоалари, уларнинг оила аъзолари ва пенсионерлари, “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси пенсионерлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси солиқ резидентлари ва солиқ резидентлари бўлмаган шахсларнинг ижтимоий-маданий, даволаш, спорт-соғломлаштириш, уй-жой, хўжалик ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ва ушбу Уставда кўзда тутилган бошқа ишлар ва хизматларни тўлиқ ва ўз вақтида бажариш “НКМК жамғармаси” ДМ асосий мақсади хисобланади.

2.2. Қуйидагилар “НКМК жамғармаси” ДМ фаолиятининг асосий йўналишлари хисобланади:

а) ижтимоий-маданий, даволаш, спорт-соғломлаштириш, уй-жой ва майший хўжалик бинолари ҳамда бошқа инфратузилма обьектларини техник соз, санитария ва ёнфинга қарши қоидаларига жавоб берадиган ҳолатда сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш;

б) жисмоний ва юридик шахсларнинг ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ишларни ташкил қилиш;

в) касалликларнинг олдини олиш, даволаш, соғломлаштириш, санатория-курортда даволаш ва туристик фаолиятини ташкил қилиш;

г) маданий-кўнгилочар, маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирларни ўтказиш, болалар ижодиётини ривожлантириш, ёш авлоднинг маданий савиасини юксалтириш бўйича ишларни амалга ошириш;

д) болалар ва ёшлар ҳамда бошқа фуқаролар ўртасида турли хил ҳаваскор ижодкорлик тадбирларини ташкил этиш ва ижро маҳоратини ривожлантириш;

е) оммавий-маданий тадбирлар, концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалар, танловлар, викториналар, спектакллар, болалар учун томошалар, оммавий байрам ва фестивалларни ташкил этиш ва ўтказиш;

ё) фаол ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун зарурый шарт-шароитлар яратиш;

ж) умумхалқ, миллий ва касбий байрамларга, муҳим саналарга бағишлиланган мусобақалар ва бошқа спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш;

з) коммунал хизматлар кўрсатиш (ичимлик суви, иссиқлик энергияси, дренаж, оқава ва суғориш суви таъминоти);

и) ётоқхоналарда қулай яшаш шароитларини яратиш ва уй-жой шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

й) озиқ-овқат хавфсизлиги ва сифат назорати таъминлаган ҳолда тўлиқ циклдан иборат умумий овқатланиш, ошхоналар ва кафеларни ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;

к) тиббий ва фармацевтика фаолиятини ташкил этиш;

л) ноширлик ва матбаа фаолиятини ташкил этиш;

м) истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва уларни сотиш;

н) улгуржи ва чакана савдо ҳамда савдо-воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

о) болалар, ўсмирлар ва ёшлар оромгоҳлари, дам олиш ва бошқа соғломлаштириш масканларини ташкил;

п) юқори кўрсатгичларга эришадиган спорт турларининг ривожланишига кўмаклашиш;

р) гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар олиб кириш, ташиш, сақлаш, сотиш, тиббий эҳтиёжлар учун фойдаланиш ва йўқ қилиш фаолиятини ташкил этиш;

с) капитал қурилиш ва таъмирлаш;

т) автомобиль транспортида йўловчилар ва юкларни шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро ташиш;

у) телекоммуникацияларнинг маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

ф) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, ишлатиш ва уларга хизматлар кўрсатиш;

х) “НКМК жамғармаси” ДМ ўз маблағлари ҳисобидан ишчи-ходимларини, шунингдек, жисмоний ҳамда юридик шахслари маблағлари ҳисобидан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини шартнома асосида амалга ошириш.

Агар қонун ҳужжатларида ушбу бандларда назарда тутилган тегишли фаолият, лицензияланиши белгиланган бўлса, “НКМК жамғармаси” ДМ фаолиятнинг ушбу турини тегишли лицензияловчи орган билан тузилган лицензия битими асосида лицензия олмасдан амалга оширишга ҳақлидир.

2.3. “НКМК жамғармаси” ДМ устав мақсадларида белгиланган санатория-курортда даволаш ва болаларни соғломлаштириш, меҳмонхона ҳўжаликлари, умумий овқатланиш, тиббий хизмат ва фармацевтика, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, кир ювиш хизматлари, улгуржи савдо ва бошқа соҳаларда даромад келтирадиган фаолиятни амалга ошириш хукуқига эга.

2.4. “НКМК жамғармаси” ДМ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширади.

2.5. Агар қонун ҳужжатларида тегишли фаолият лицензияланиши ўрнатилган бўлса, “НКМК жамғармаси” ДМ ушбу фаолият турини фақат лицензия асосида амалга ошириш хукуқига эга.

3-боб. Ҳукуқ ва мажбуриятлари

3.1. Уставда белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун “НКМК жамғармаси” ДМ қуидаги хукуқларга эга:

- а) қонунда белгиланган тартибда ўз номидан мулкий ва мулкий бўлмаган ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши, низоларни ҳал этишда бошқа органларда вакиллик қилиш;
- б) жамоат ҳаётининг турли масалалари бўйича ташаббус кўрсатиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиши;
- в) ўз фаолияти тўғрисида маълумот тарқатиш;
- г) Таъсисчининг рухсати билан қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган тижорат ва нотижорат ташкилотларда қатнашиши (ёки аъзо бўлиши);
- д) амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ваколатхоналар ва филиаллар очиш;
- е) Ўзбекистон Республикаси қонунларида таъқиқланмаган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

3.2. Уставда белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун “НКМК жамғармаси” ДМ қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- а) Таъсисчи ва Васийлик кенгаши олдида уставда белгиланган тартибда ҳисобот бериш;
- б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш;
- в) ҳомийлар томонидан ажратилган ҳомийлик ҳайрияларини аниқ мақсадларда фойдаланишини таъминлаш;
- г) олинган ҳомийлик ҳайриялари ҳисобини юритиши;
- д) олинган ҳомийлик ҳайриялари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек ҳомийлик ҳайриялари тўғрисидаги ҳисоботларни ошкор қилиши;
- е) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

4-боб. Фаолиятни бошқариш

4.1. “НКМК жамғармаси” ДМ бошқаруви Таъсисчи ва Ижро этувчи органи - Бош директор томонидан амалга оширилади.

- 4.2. Таъсисчининг ваколати қуйидагиларни ўз ичига олади:
 - а) “НКМК жамғармаси” ДМ мақсади, предмети ва фаолият турларини белгилаш;
 - б) “НКМК жамғармаси” ДМ Бош директорини тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш ҳамда бекор қилиш;
 - в) “НКМК жамғармаси” ДМ Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиши тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - г) “НКМК жамғармаси” ДМни қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;
 - д) “НКМК жамғармаси” ДМнинг мол-мулки билан боғлиқ битимни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида судга даъво билан мурожаат қилиш;
 - е) “НКМК жамғармаси” ДМнинг ортиқча, фойдаланилмаётган, ёхуд бошқа мақсадларда фойдаланилаётган мол-мулкини олиб қўйиш ва уни тасарруф этиш;
 - ё) “НКМК жамғармаси” ДМга Бош директорининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво аризасини бериш;
 - ж) Васийлик кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

- з) “НКМК жамғармаси” ДМнинг йиллик ривожланиш режалари ва харжатлар сметаларини тасдиқлаш;
- и) “НКМК жамғармаси” ДМга берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланишишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш;
- к) “НКМК жамғармаси” ДМ ташкилий тузилмаси ва штат жадвалини тасдиқлаш;
- л) мустакил аудиторни тайинлаш ва ваколатларини бекор қилиш.

4.3. “НКМК жамғармаси” ДМ Васийлик кенгашининг ваколатига қуидагилар киради:

- а) “НКМК жамғармаси” ДМ билан биргаликда стратегик мақсадлари ва истиқболли ривожланиш йўналишларини бўйича таклифлар тайёрлаш;
- б) ҳомийлар томонидан ажаратиладиган хайрия маблағларидан (ҳомийлик бадалларидан) фойдаланишининг мақсадлари ва тартибларига мувофиқ тузилган йиллик ривожланиш режалари ва харжатлар сметаларини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун Таъсисчига киритиш;
- в) ижро этувчи орган фаолиятини тартибга солувчи ички ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш;
- г) “НКМК жамғармаси” ДМ ташкилий тузилмаси ва штат жадвалини лойиҳасини кўриб чиқиш.

4.4. Таъсисчи ва Васийлик кенгашининг ваколатига тааллуқли масалалар ижро этувчи орган – Бош директор ваколатларига кирмайди.

4.5. “НКМК жамғармаси” ДМ ижро этувчи орган – Бош директор ваколатига “НКМК жамғармаси” ДМнинг жорий фаолиятини бошқариш масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш киради. Бош директор ваколатларига қуидагилар киради:

- а) “НКМК жамғармаси” ДМ номидан ишончномасиз иш олиб боради, барча маҳаллий ва хорижий корхоналар, фирмалар ва ташкилотларда унинг манфаатларини ифода этади;
- б) штатлар жадвалини тасдиқлайди, ходимларни ишга қабул қиласди, улар билан меҳнат шартномалари тузади, меҳнат шартномаларини ўзgartиради ва бекор қиласди;
- в) “НКМК жамғармаси” ДМ бош мухандиси ва бош директор ўринbosарларини Таъсисчи билан келишган ҳолда белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва улар билан меҳнат шартномасини тузади ҳамда бекор қиласди;
- г) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда “НКМК жамғармаси” ДМ ходимларига ишончнома беради;
- д) кадрлар тайёрлаш, ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш чораларини кўради;
- е) “НКМК жамғармаси” ДМнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар ва кўрсатмалар беради;
- ё) НКМК жамғармаси” ДМ ходимларининг штат жадвалини ва уларнинг иш ҳақи миқдорларини тасдиқлайди.
- ж) “НКМК жамғармаси” ДМ барча ходимларининг ваколатлари ва меҳнат мажбуриятларини белгилайди;
- з) “НКМК жамғармаси” ДМ ички-тартиб қоидаси ва хўжалик фаолиятни тартибга солувчи ҳужжатларни тасдиқлайди;
- и) локал ҳужжатларни тасдиқлайди, шу жумладан кадрлар сиёсати ва корпоратив этикаси тўғрисидаги низомларни;

к) асосий фаолиятни истиқболли ривожлантиришни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириш, илмий-техник тараққиёт ютуқларини жорий этишга оид чора-тадбирларни күради;

л) янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиш ва құллашни ташкил этади;

м) фаолиятнинг янги йұналишларига оид таклифларни ишлаб чиқышни ташкил этади;

н) “НКМК жамғармаси” ДМ ходимлари меҳнатини мухофаза қилиш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, атроф мұхитни мухофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилюна фойдаланиш соҳасидаги меңгерлар ва қоидаларга риоя қилиш түғрисидаги қонун хужжатлариаталаблари бажарилишига қаратылған тадбирларни ишлаб чиқилишини ва тадбиқ этилишини ташкил этади;

о) Таъсисчи ва Васийлик кенгаш қарорларининг бажарилишини ташкил қиласы;

п) ҳомийлик шартномаларини ишлаб чиқади ва Васийлик кенгаши томонидан маъқулланғандан кейин ушбу шартномаларни ҳомийлар билан имзолайди;

р) ҳомий ташкилотлар томонидан белгиланадиган хайрия мақсадлари ва тартибига мувофиқ Васийлик кенгаши тасдиқлаши учун ҳар йиллик ривожланиш режаларини ва харажатлар сметаларини тайёрлайди;

с) “НКМК жамғармаси” ДМ одатдаги хўжалик фаолияти доирасида ушбу Уставда ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ мол-мulkни Таъсисчи билан келишилған ҳолда тасарруф қиласы;

т) “НКМК жамғармаси” ДМ манфаатларига ва одатдаги фаолиятига доир шартномалар тузади;

у) “НКМК жамғармаси” ДМ асосий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа вазифаларни бажаради.

4.6. Бош директор ўз хуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларни бажаришда “НКМК жамғармаси” ДМ манфаатларини кўзлаб иш олиб боради.

4.7. Бош директор ўз хуқуқларининг бир қисмини “НКМК жамғармаси” ДМнинг бошқа раҳбар ходимларига тасарруф этиши мумкин.

4.8. “НКМК жамғармаси” ДМ Бош директори бюджетга тўланадиган барча тўловларни ўз вақтида тўланиши, иш ҳақи тўланиши, меҳнатга оид хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар ва уларга тенглаштирилған тўловлар қондирилиши, бевосита ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эҳтиёжлар учун пул маблағлари ўтказилиши, ўзининг ҳатти-харакатлари (харакатсизлиги) билан “НКМК жамғармаси” ДМга етказилған заарар, шу жумладан корхонага берилган давлат мулки йўқотилған ҳолат учун ҳам қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

5-боб. “НКМК жамғармаси” ДМ устав фонди ва молиялаштириш тартиби

5.1. “НКМК жамғармаси” ДМ устав фонди ўзида “НКМК жамғармаси” ДМ Уставида кўзда тутилган фаолиятини амалга ошириш учун Таъсисчи томонидан берилган маблағлар, мол-мulk ва бошқа активлар йиғиндисини ифодалайди.

5.2. “НКМК жамғармаси” ДМ устав фондини кўпайтириш ва камайтириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда, “НКМК жамғармаси” ДМ Уставига тегишли ўзгартеришлар киритиш йўли билан Таъсисчининг қарорига биноан амалга оширилади.

5.3. “НКМК жамғармаси” ДМ фаолиятини амалга ошириш қуидаги манбалар хисобидан молиялаштирилади:

- Таъсисчи томонидан берилган маблағлар ва мол-мулк;
- ҳомийлик (спонсорлик) маблағлари;
- “НКМК жамғармаси” ДМ тижорат фаолиятидан олинган даромад (фойда);
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий мулкий бадаллари ва хайриялари;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6- боб. “НКМК жамғармаси” ДМ мол-мулкини тасарруф этиш

6.1. “НКМК жамғармаси” ДМ мол-мулкини оператив бошқарув ҳуқуқи билан Таъсисчи томонидан “НКМК жамғармаси” ДМга бириктирилган асосий фондлар ва айланма маблағлар ташкил этади.

6.2. “НКМК жамғармаси” ДМнинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмасдир ва ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

6.3. Таъсисчи “НКМК жамғармаси” ДМга берилган давлат мулкининг мақсадли фойдаланилиши ва сақланиши, шунингдек ўзгага берилиши устидан назоратни амалга оширади.

6.4. “НКМК жамғармаси” ДМ бош директори Таъсисчи билан келишган ҳолда қуидаги ҳолларда “НКМК жамғармаси” ДМнинг мол-мулкини тасарруф этиши мумкин:

- асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага бериш ёки гаровга қўйиш;
- мол-мулкни ҳисса сифатида бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига қўйиш;
- бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш ва сотиш;
- “НКМК жамғармаси” ДМ фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган мол-мулкни ўзгача тасарруф этиш.

7-боб. Даромад (фойда)ни тақсимлаш ва заарларни қоплаш тартиби

7.1. Бюджетга барча солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлангандан кейин “НКМК жамғармаси” ДМда қоладиган соф фойда, “НКМК жамғармаси” ДМ тасарруфида қолади ва Таъсисчи билан келишилган ҳолда фойдаланилади.

7.2. Таъсисчи ўз қарори билан, тасарруф этиш ҳукуқини “НКМК жамғармаси” ДМнинг бош директорига берган ҳолда бошқа юридик ва жисмоний шахсларга хайрия мақсадларида ва ҳомийлик ёрдами сифатида йўналтириладиган пул маблағларининг чекланган суммасини белгилайди.

7.3. “НКМК жамғармаси” ДМнинг хўжалик фаолияти натижасида келиб чиқкан заарларни қоплаш, ушбу мақсадларда ташкил этилган заҳира жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

8-боб. Заҳира жамғармаси ва бошқа жамғармаларни ташкил этиш тартиби

8.1. “НКМК жамғармаси” ДМ ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига, миқдори ва шакллантириш тартиби Таъсисчи томонидан тасдиқланадиган заҳира жамғармасини, шунингдек бошқа жамғармаларни ташкил этиши мумкин.

8.2. Асосий воситаларни қайта баҳолаш суммаси ва бепул олинган мол-мулк қиймати ҳам заҳира жамғармасини тўлдиришга йўналтирилади.

9-боб. Ҳисоботларни тузиш тартиби

9.1. “НКМК жамғармаси” ДМ ҳисобот даври охирида белгиланган муддатларда ваколатли давлат органларига рўйхати қонун билан белгиланган молиявий ҳисоботларни ва бошқа хужжатларни тақдим этади.

9.2. “НКМК жамғармаси” ДМ молиявий ҳисботида мавжуд бўлган маълумотларнинг ишончлилиги белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб борадиган танлов асосида танланган халқаро ва/ёки миллий аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланиши керак.

9.3. Ижро этувчи орган – Бош директор “НКМК жамғармаси” ДМ хужжатларининг сақланиши, Таъсисчи, Васийлик кенгаш аъзолари, ваколатли давлат органлари ва ташкилотларнинг сўровига биноан ушбу хужжатлардаги маълумотни тақдим этиш учун жавобгардир.

10-боб. “НКМК жамғармаси” ДМнинг жавобгарлиги

10.1. “НКМК жамғармаси” ДМ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан жавоб беради. “НКМК жамғармаси” ДМ мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда Таъсисчи “НКМК жамғармаси” ДМ мажбуриятлари бўйича субсидиар жавоб беради.

10.2. “НКМК жамғармаси” ДМ Таъсисчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

10.3. 8.3. Васийлик кенгаш аъзолари, “НКМК жамғармаси” ДМ ижро этувчи органи – Бош директори ўз хукуқлари ва мажбуриятларини бажариш давомида “НКМК жамғармаси” ДМ манфаатларида вижданан ва оқилона ҳаракат қилишлари зарур.

11-боб.“НКМК жамғармаси” ДМнинг филиаллари ва ваколатхоналари

11.1. “НКМК жамғармаси” ДМ Таъсисчи билан келишган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, ҳам унинг ҳудудидан ташқарисида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин, улар жойлашган мамлакатлар қонунларининг талабларига мувофик.

11.2. “НКМК жамғармаси” ДМ филиаллари ва ваколатхоналари унинг номидан “НКМК жамғармаси” ДМ буйруги билан тасдиқланган Низом асосида иш кўради.

11.3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган ваколатхоналар ва филиаллар “НКМК жамғармаси” ДМ буйруги билан тасдиқланган Низом асосида ва улар жойлашган мамлакатларнинг қонун хужжатларига мувофик иш юритадилар.


11.4. “НКМК жамғармаси” ДМ филиали ёки ваколатхонаси раҳбари Таъсисчи билан келишилган ҳолда Бош директор томонидан тайинланади ва унга берилган ишончнома асосида иш кўради. Ишончнома ушбу раҳбар билан меҳнат шартномаси бекор қилинган тақдирда бош директор томонидан бекор қилиниши лозим.

11.5. “НКМК жамғармаси” ДМ томонидан ташкил этилаётган филиаллар ва ваколатхоналарнинг мажбуриятлари бўйича “НКМК жамғармаси” ДМ жавоб беради.

12-боб. “НКМК жамғармаси” ДМни қайта ташкил этиш ва тугатиш

12.1.“НКМК жамғармаси” ДМ қайта ташкил этиш Таъсисчининг қарори билан ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

12.2. “НКМК жамғармаси” ДМ тугатиш Таъсисчининг қарори билан ёки суд тартибida, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонунларида назарда тутилган бошқа ҳолларда амалга оширилади.



Давлат активаларини бошкариш агентлигининг
2021 йил 29 ақрш даги
15/07-кп-сон карорига
2 - илова